

Эҳ хаёл



17:06 / 05.06.2020 6255

1993 йилда Америка фуқароси Жеймс Скот ўйнаши билан бемалол ишрат қилиш учун хотинининг ишдан уйга қайтишига халал бермоқчи бўлди. У бунга муносиб йўл қидирди. Ва ниҳоят, энг яхши йўл шаҳардаги Миссисипи дарёси устида қурилган тўғонни бузиш деган фикрга келди. Шунда йўл бузилиб хотини ўта олмайди.

Жеймс зарар бунчалик бўлади деб тасаввур қилмаган эди. У етган зарарнинг ўрнини бир неча соатда тўлдириш имкони бор деб хаёл қилган эди.

Аммо иш у ўйлагандан анча бошқача бўлиб чиқди. Тўғон бузилишидан оқиб чиққан сув 1400 фаддон ерни вайрон қилди (1 фаддон ер қарийб 4300 кв метрга тенг). Сув электр симларига тегиб катта ёнғинлар чиқди. Миллион-миллион доллар зиён бўлди. Шаҳар аҳолиси эвакуация қилинди. Уйлар

бузилиб кетди. Жеймс эса умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Баъзилар сигаретасини тутатиш учун ўрмонни ёқиб юборишга тайёр туради. Баъзилар аҳмоқлиги сабабли ишнинг оқибатини тасаввур қила олмайди.

Қанд касаллигига дучор бўлган бир кишининг оёғини кесиб ташлашди. Сабаби унинг оёғида гангрена бошланган эди. Бунга эса унинг оёқ кийимини жума намозида ўғирлаб кетишгани сабаб бўлди. У уйига ялангоёқ қайтган. Оёғи шикастланиб яра бошланган.

Ўғри пояфзал ўғирламаганини, балки оёқни кесганини тасаввур қилармикин-а?

Islom.uz портали таҳририяти